# ҚАЙТА ҚУРИШ САБОҚЛАРИ

## *Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети V пленумидан*

(Давоми. Боши 1-бетда).

Райондаги қатор корхона ва ташкилотларда икки ва уч сменали ишга ўтиш суст бораяпти.

1 ва 2-уйсозлик комбинатларининг коллективлари кейинги уч йилда уй-жойларни фойдаланишга топшириш ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планларни бажарганликларига қарамасдан капитал қурилишидаги аҳвол жиддийлигича қолмоқда, районда асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқлар бажарилмаяпти.

Савдо, маданият, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарини ривожлантириш соҳасидаги номутаносибликка барҳам берилмаган, уларнинг материал базаси сусткашлик билан мустаҳкамланмоқда, кўпгина социал-маиший муаммолар етарли ҳал этилмаётир.

Бу камчиликларнинг ҳаммаси раҳбарларга, айниқса сўзи билан иши бир бўлмаган ходимларга нисбатан етарли талабчанлик кўрсатилмаётганлиги, айрим хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари, ҳатто район партия комитети аппарати иш услубларида КПСС XXVII съезди талаб этганидек қайта қуриш рўй бермаганлиги оқибатидир.

Район партия комитети, партия ташкилотлари КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш масалаларида қайта қуриш сари дастлабки қадамларнигина қўйганликларини таъкидлаб ўтмоқчиман.

***

Шундан сўнг пленум қатнашчилари докладни муҳокама қилишга киришдилар.

— Ҳамза район партия комитети ишидаги камчиликлар докладда ўз-ўзини танқид руҳида кўрсатиб ўтилди, — деди Фрунзе район партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Плешаков. — Мен Ҳамза район партия комитети иш услублари ва методлари билан танишдим, бошланғич партия ташкилотларида бўлдим, коммунистлар билан гаплашдим. Район партия ташкилотида иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишга новаторларча ёндашув сезилаётганини айтиш керак. Ташкилий-сиёсий ишлар услуби ҳам такомиллашмоқда.

Бироқ районда қайта қуриш енгил кечмаётганини таъкидлаш лозим. Бунинг сабаби шуки, сусткашликка йўл қўйилаяпти. Кўпгина яхши ташаббуслар охирига етказилмаётир, бунда иккиланишлар, ҳадиксирашлар панд бермоқда.

Район партия комитети план топшириқларини бажармаётган қолоқ коллективларга етарли эътибор қилмаяпти. Тўғри, у бу масалалардан четда тургани йўқ, лекин муайян мақсадни кўзлаб ишлаш маҳорати етишмаётир.

2-автобус парки ҳайдовчиси И. А. Азаматовнинг нутқида қайд этилганидек район партия комитети ходимлари коллективларга тез-тез борадиган бўлганликлари ўз самарасини бермоқда. Ойлаб, ҳатто йиллаб ечимини тополмаган масалалар қисқа муддатда ҳал этилаяпти. Масалан, дам олиш хоналари, душхоналар, ошхоналар иши яхшиланганлиги, янги диспетчерлик пункти, ишчи ёшлар учун сиртқи мактаб филиали очилиши шулар жумласидандир. Ёнилғи бир меъёрда етказиб берилмоқда, материал-техника таъминоти ҳам бироз яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси коллектив ишини муваффақиятли уюштиришга ижобий таъсир кўрсатмай қолмади.

Бироқ булар дастлабки натижалардир. Паркда муаммолар оз эмас. Айтайлик, айрим масалаларни ҳал этишга районда ҳамиша ҳам устакорлик билан қаралмайди. Автопаркка ремонт ишларини бажариш учун турли профилдаги металл керак, лекин биз уни истаган пайтда ололмаймиз. Оталиқ ташкилотимиз ҳисобланган авиабирлашма бу масалани ҳал этишда ёрдам кўрсатса яхши бўларди. Бунда район партия комитетининг кўмагига ҳам муҳтожмиз.

— Кейинги пайтларда Ҳамза район партия комитети ишида сезиларли ўзгаришлар рўй берди, — деди «Главташкентстрой»нинг 3-трести партия комитетининг секретари Е. Е. Каган. — Йиғилишлар ва мажлислар, райкомга чақиришлар, турли ҳисоботлар ҳамда ахборотлар сўраш ҳоллари камайди. Бошланғич партия ташкилотларига планли тарзда ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Лекин район партия комитети жойлардаги ишнинг аҳволини, қолоқлик сабабларини, камчиликларини ҳали ҳам чуқур таҳлил этмаётир.

План — қонун, уни бажариш шарт. Планнинг тўлмай қолиши учун жавоб бериш лозим. Трест бошқарувчиси коммунист Р. Қ. Қамбаровга деярли ҳар квартал якунлари бўйича партиявий жазо беришни таомилга киритган район партия комитетининг услубига тушуниш қийин. Тўғри, бошқарувчига кўп нарса боғлиқ. Аммо ҳеч қанақа партиявий жазо билан план ижросини 25 процентга кўтариб бўлмайди. Бунда сабабларни таҳлил этиш зарур. Афсуски, райком бундай йўл тутмаётир. Партия органлари хўжалик ташкилотлари тасарруфига кирадиган масалалар билан шуғулланмасликлари керак, лекин планнинг бажарилмаслиги билан боғлиқ аниқ манзарани билишлари, яққол ҳис этишлари шарт.

Касаба союзлари Тошкент область Советининг секретари Д. М. Ғуломова Ҳамза район партия комитети партия ташкилотлари, касаба союз комитетларининг социалистик мусобақани уюштириш ва тарбиявий ишларни олиб бориш соҳасидаги фаолиятлари устидан етарли назорат ўрнатмаганлигини айтди. Айрим корхоналарда мусобақанинг ошкоралиги таъминланмаган, илғорлар тажрибаси кенг ёйилмайди, социалистик мажбуриятлар иқтисодий таҳлилсиз, ҳар тарафлама асосланмаган ҳолда қабул қилинади.

Партия комитетлари касаба союз комитетларининг фаолияти билан атрофлича ва чуқур шуғулланмайдилар, моддий рағбатлантириш фондларини тақсимлаш масалаларини яхши билмайдилар. Шундай экан, «Подъёмник» ва «Ташсельмаш» заводларида меҳнат беллашуви илғорларини мукофотлашга моддий рағбатлантириш фондларидан 10 процент ўрнига бор-йўғи 4—5 процент маблағ ажратилганлиги тасодифий эмас. Мукофотлар 5—10 сўмдан қилиб майдалаб тақсимланади ва касса орқали берилади. Шу тариқа ғолиблар номаълум бўлиб қолишади.

Бугунги кунда касаба союз комитетлари олдида жиддий вазифалар турибди. Меҳнат режимини бузиш, ишдан ташқари вақтларда одамларни ҳадеб ишлатавериш ҳолларига барҳам бермоқ керак. Икки ва уч сменали ишлашга ўтиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларида фаол қатнашмоқ керак. Ана шу муаммоларни ечишда партия комитетларининг кўмаги ва қўллаб-қувватлашига муҳтожмиз.

Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг етакчи инженери Ю. Р. Умиров ўз нутқида таъкидлаганидек райондаги партия ташкилотларида жанговарлик кўриги қандай ўтказилаётгани докладда ўзининг ёрқин ифодасини топмади. Тажриба эса ишнинг бу шакли ғоят самарали эканлигини, бошланғич партия ташкилотлари кўп қиррали фаолиятини жонлантириш имконини беражагини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам нотиқ пленум қарорига район партия ташкилотида жанговарлик кўриклари ўтказишни активлаштириш, бу ишда яхшилаш ва такомиллаштиришга доир бандни албатта киритиш керак, деган таклифни ўртага қўйган.

«Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси Г. Я. Штерн ўз вақтида метро қурилиши билан шуғулланган партия ташкилотлари хўжалик органлари зиммасидаги вазифаларни бажаришдан воз кечганларидан сўнг бунинг ўрнига ишнинг бошқа шаклини танлаб олмадилар деб таъкидлади. Ҳамза район партия комитети ҳам бундан мустасно эмас. Ана шу район территориясида метросозлик ишларининг асосий қисми бажарилмоқда. Лекин иш кўламини таъминлашда, метро йўли ўтадиган жойлардаги эски иморатларни бузишда райкомнинг ёрдами сезилмаяпти. Бутун йил давомида трест йиғма темир-бетон конструкциялар таъминотида қийинчиликларга дуч келди, аммо Ҳамза районида жойлашган 2-темир-бетон буюмлар заводи ишини яхшилаш билан ҳеч ким шуғулланмади.

Манфаатдор барча ташкилотлар, жумладан Ҳамза райони корхоналари куч-ғайратини бирлаштирмасдан туриб метрополитен қурилишини жадаллаштириш қийин. Шу сабабли Ҳамза район партия комитети ҳузурида Уставдан ташқари партия группаси тузиш, унинг таркибига манфаатдор томонлар вакилларини киритиш, ягона мақсадга эришиш учун одамларни, бутун-бутун коллективларни бирлаштириш таклифи киритилди.

«Ташсельмаш» заводининг директори Х. Х. Ғуломов коллектив олдида турган мураккаб вазифалар ижросини таъминлашда партия ташкилотининг моҳияти ва роли беқиёс эканлигини қайд қилди. Ҳамза район партия комитетининг иш услуби ва методлари хусусида гапириб, нотиқ бундай деди:

— Меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялашда юқори партия органлари ходимларининг коллективлар билан учрашувлари катта аҳамиятга эга. Заводимиз коллективининг Ҳамза район партия комитети секретари ўртоқ Чумичев билан мулоқоти қизиқарли, амалий ишчанлик вазиятида ўтди. У район партия комитети КПСС XXVII съезди қарорларини қандай бажараётгани ҳақида ҳисоб берди. Район партия комитети ва завод партия ташкилоти тажрибалари хусусида ўзаро фикр алмашилди. Бундай учрашувлар, шубҳасизки, зарур ва фойдалидир. Шунинг учун ҳам район ва шаҳар миқёсидаги раҳбар органлар учун бу услуб кундалик иш бўлиб қолмоғи керак.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти директори Б. М. Бегловнинг фикрича, Ҳамза район партия комитети республика Фанлар академияси президиуми партия ташкилоти иши билан жиддий шуғулланиши керак. Чунки қайта қуриш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифалари фан-техника тараққиётини тезлаштиришни талаб этади. Бунда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг роли беқиёсдир. Бироқ президиум партия ташкилоти бугунги кунда район партия комитетининг конкрет ва амалий ёрдамига муҳтож. Райком олимлар олдида турган мураккаб вазифаларни бажариш ниятида партия ташкилотининг жанговарлигини, унинг фаолияти самарадорлигини оширмоғи лозим.

Агрегат заводи йиғувчи-слесари Н. Н. Байдаков Ҳамза район партия комитетининг енгил металл конструкциялари заводи партия ташкилоти ишига раҳбарлиги бўйича тўпланган тажриба хусусида гапирди, бу йўналишдаги камчиликларга тўхталиб ўтди. Нотиқ таъкидлаганидек, корхона партия ташкилоти район партия комитети ходимларининг ёрдами билан ўз иш услуби ва методларини қайта қура бошлади. Ижобий ўзгаришлар яққол кўриниб турибди. Лекин район партия комитети вакиллари заводга йил давомида атиги уч марта келдиларки, бу етарли эмас. Шунда ҳам партия ташкилоти секретари ёки директор билан суҳбатлашишдан нарига ўтилмади, цехларда бевосита ишчилар ўртасида қизғин мулоқот бўлмади.

Завод фаолиятига доир масалалар кейинги бир ярим йил ичида райком бюросида бирор марта ҳам кўрилмаганини камсонли партия ташкилотларига муносабат қандай эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Бунинг оқибатида бошланғич партия ташкилотининг ўз корхонасидаги обрў-эътибори етарли даражада эмас. Завод ходимлари ўртасида партиявий қатлам пастлигича қолмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишлари деярли сезилмайди. Коммунистларнинг ҳисоботлари партбюрода ва партия ташкилотида аҳён-аҳёнда эшитилади.

Хулоса шуки, район партия комитети бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар билан яқин алоқа ўрнатмоғи, ишларнинг аҳволини, меҳнат коллективларини тўлқинлантираётган муаммоларни яхшироқ билмоғи, уларга жойларнинг ўзида кўпроқ ёрдам кўрсатмоғи зарур.

Грампластинкалар заводи комплектловчилар бригадаси бошлиғи Е. П. Маслова ҳам ана шу фикрни қувватлади. У ўз нутқида партия ташкилотлари услуб ва методларини қайта қуриш район партия комитетидан бошланиши керак, у ишда ўрнак кўрсатиши лозим деб таъкидлади. Биз, коммунистлар, деди нотиқ, ўз эътиборимизни ҳамиша район партия комитетига қаратамиз, бинобарин у ҳаммамизга барча ишларда намуна бўлмоғи зарур. Докладда партия ташкилотларига райком ходимларининг ҳар ойда бир марта боришлари мўлжалланганлиги айтилди. Улар бошланғич ташкилотларда ҳар куни бўлишлари, шунда ҳам раҳбарлар ва партия ташкилотлари секретарлари билангина учрашиб қайтмасдан оддий коммунистлар орасига кириб боришлари лозим. Бундан эса ҳар иккала томон наф кўради.

***

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Б. Ф. САТИН НУТҚИДАН

Бугунги пленумда Ҳамза район партия комитетининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришни ташкил этиш соҳасидаги ишини кўрар эканмиз, район партия комитети ўз фаолиятини съезд кўрсатмаларига бирмунча мувофиқ йўналтираётганини таъкидлаш керак.

Бироқ ишни қайта қуриш суръатлари сира ҳам қониқарли эмас, таҳлиллар кўрсатишича, район партия ташкилоти иқтисодий ва сиёсий ҳаётда сифат жиҳатидан туб ўзгаришларга эришиш соҳасида вужудга келган имкониятлардан етарли фойдаланмаётир. Партия, совет, хўжалик органлари, бошланғич партия ташкилотларини қайта қуриш сари сафарбар этиш суст бормоқда.

Район партия комитетининг секретарлари, бюро аъзолари, Ф. Н. Нажмиддиновнинг бугунги докладидан келиб чиқадиган бўлсак, беparволик, эришилган натижаларни ошириб баҳолашдан қутулганлари йўқ, партия томонидан кўрилаётган чоралар мазмун-моҳиятини яхши англашмайди, уларни амалда қўллашмайди.

Кўпгина масалалар аввалгидек кабинетда ўтириб ҳал қилинмоқда. Район партия комитети ходимлари бошланғич партия ташкилотларидаги аҳволни етарлича билмайдилар, социал-маиший масалалар мағзини чуқур чақмайдилар. Район партия комитетида қўнимсизлик ҳукм сурмоқда. Унинг бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик даражаси паст.

Район партия комитети бўлимлари, партия ташкилотлари хўжалик раҳбарлари вазифасига кирадиган масалалар билан шуғулланишдан қутулмаётирлар. Энг муҳими одамларда ишга виждонан муносабатда бўлиш, топширилган иш учун масъулият ҳиссини шакллантириш ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатишнинг воситаси эканлигини унутиб қўймоқдалар.

Ташқи жиҳатдан силлиқ, аслида эса ўртача кўрсаткичлар билан қаноатланган ҳолда район партия комитети ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг туб вазифаларини ҳал қилишда янги йўналишларни тополмаётир, коммунистларни, барча меҳнаткашларни ҳар бир коллективда план топшириқлари ва социалистик мажбуриятлар ижросини сўзсиз таъминлашга сафарбар этолмаётир. Ўз фаолиятига танқидий баҳо бермаслик оқибатида ўн бир ойда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига йўл қўйилди. Районда ана шу суръатни 101 процент ўстириш кўзда тутилгани ҳолда 1985 йил даражасидан ҳам орқада қолинаётган экан, жадаллаштириш ҳақида қандай сўз бўлиши мумкин!

Сусткашлик, пассивлик, хотиржамлик — райондаги партия ташкилотлари, айрим коммунист раҳбарлар фаолиятидаги ана шу ва бошқа камчиликлар касри билан ўн бир ой якунлари бўйича икки корхона планга нисбатан 351 минг сўмлик маҳсулотни кам ишлаб чиқарди, 598 минг сўмлик турли товарларни оз реализация қилди. Ҳар уч корхонадан бири шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш топшириғини бажармади, бундай мол-маҳсулотлар миқдори 3 миллион сўмликдан зиёдроқни ташкил этди.

Районда социал жабҳаларни жадал ривожлантириш ишлари ҳам етарли олиб борилмаяпти. Буни савдо хизмати мисолида яққол кўриш мумкинки, районда унинг бугунги даражаси шаҳар бўйича энг паст ҳисобланади.

Районнинг маданий қиёфаси, кўчалар, майдонлар, микрорайонлар ободонлиги тадбирлари суст ўтказилмоқда. Район партия комитети ана шу масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари район Совети, унинг ижроия комитети ролини зарур даражада ошириш ҳақида ғамхўрлик қилмаётир.

Район партия комитети йўл қўяётган бу ва бошқа камчиликлар шаҳар партия комитетининг аввалги пленумларида, шаҳар активи йиғилишларида ҳам танқид қилинганди. Бироқ аҳволни тубдан яхшилаш чоралари ҳозирча кўрилмаётир. Мабодо Ф. Н. Нажмиддинов районнинг ишлари умуман ёмон бормаяпти, шунинг учун ҳам қилинаётган нари-бери яхши ишлар билан чекланиш мумкин деган фикрда бўлса, бундан астойдил қутулиши керак. Ҳамма ва ҳар бир киши ўзини тезроқ қайта қуриб олмоғи, олға томон ҳаракатимизга таъсир қиладиган омилларни, жумладан ишга баҳо беришни, эришилган ютуқлар ўлчовини, фикрлаш ва фаолият кўрсатиш услубини мутлақо ўзгартирмоғи лозим.

Шаҳар партия комитети пленумида партия XXVII съезди якунлари муҳокама этилганида айрим корхоналар белгиланган планларни пасайтириш сари ўзгартиришга интилишаётганини айтган эдик. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари муҳокама этилганда ҳам ана шу масала кўтарилганди. Бироқ район партия комитети бундай раҳбарларга нисбатан қатъият кўрсатмади, талабчанликни кучайтирмади. Шу йили 8 корхонада планлар 15,7 миллион сўмликка пасайтириш сари ўзгартирилди. 19 корхонада имкониятдан паст даражадаги планлар тасдиқлатиб олинди.

Район партия комитети партия съездининг бу масалага доир қарорларига эътиборсизлик билан қараётган корхоналар раҳбарларидан масъулият талаб қилиши керак-ку, ахир! Хўжалик раҳбарлари бу йўналишда конкрет тадбирларни амалга оширмасалар партиявий жавобгарликка тортилишлари зарур.

Бугунги кунда район корхоналарида сифат муаммоси ғоят ўткирлашиб кетди. Демак, бутун куч-ғайратни ана шу муаммони ҳал этишга қаратиш зарур. Бу — давлат аҳамиятига молик энг муҳим вазифадир. 1987 йилнинг 1 январидан қатор корхоналарда давлат қабули бошланиши мазкур масалани ечишни жадаллаштиради. Давлат қабули органларини малакали кадрлар билан мукаммал таъминлаш, уларнинг ишини амалий тарзда, принципиал негизда йўлга қўйиш лозим. Партия комитетлари корхоналарга бевосита бўйсунмайдиган янги бўлинмаларда тузилган партия ташкилотлари ва партия группалари жанговарлигини оширишлари, бу ташкилотлар эса ходимларни ўз зиммаларидаги вазифаларни оғишмай бажаришга сафарбар қилишлари керак. Район партия комитети ана шу умумдавлат тадбири билан боғлиқ ишлар партия ташкилотларида қандай бажарилаётганлигини қатъий назорат остига олиши лозим.

Районда капитал қурилишга раҳбарликка ҳам жиддий эътирозлар билдириш мумкин. Капитал маблағлардан фойдаланиш плани 79 процент, қурилиш-монтаж ишлари 82 процент, уй-жойларни ишга тушириш топшириғи 51 процент адо этилди, корхоналарнинг 83 проценти ажратилган капитал маблағ лимитларини ўзлаштиролмади.

Шуни очиқ айтиш керакки, район партия комитети шаҳар партия комитетининг, юқори партия органларининг хўжалик йўли билан уй-жой ва социал-маданий объектлар қуриш, шу мақсадда ўзларининг қурилиш-монтаж ва ремонт-қурилиш бўлинмаларини тузиш ҳақидаги кўрсатмалари ҳамда қарорлари айрим корхоналарнинг раҳбарлари томонидан бажарилмаётгани билан муросасозлик қилмоқда. Айтинг-чи, ўртоқ Нажмиддинов, район партия комитети ана шу масалаларга масъулиятсизлик билан қараган В. П. Чкалов номли самолётсозлик бирлашмаси раҳбарларига нисбатан нега жиддий талабчанлик кўрсатмаётир?

Ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш масалалари ўткирлигича қолмоқда. Таҳлиллар кўрсатганидек, ускуналарнинг 40 процентгача бўлган қисмидан 10—20 йил мобайнида фойдаланилмоқда, ишлатилавериб ҳолдан тойган дастгоҳлар ва машиналар салмоғи устунлигича турибди. Бироқ район партия комитети ана шу муаммоларни ечишнинг янги йўналишларини қидириб топган эмас, раҳбарларнинг ишлаб чиқаришни замонавий техника асосида янгилаш соҳасидаги масъулиятини кучайтирмаётир.

Масалан, Агросаноат давлат комитетининг ремонт-механика заводида деталларни қайта тикловчи цех етти йил қурилди, бу ишга 1,2 миллион сўм сарфланди. Аммо цех ишга туширилгандан сўнг унинг қувватидан 50 процент фойдаланилмоқда, холос. Объектни ишга тушириш кечикканлиги оқибатида ўнлаб ускуналар маънавий эскириб қолди; кўпчилиги талон-тарож бўлди, ишга яроқсиз ҳолга келди. Цехни техникавий қуроллантириш учун уни реконструкциялаш, бунга қўшимча маблағ сарфлаш талаб этилади. Бунинг устига реконструкция лойиҳасида прогрессив ускуналар ва технологияларни қўлланиш кўзда тутилмаган, янги ускуналар ёрдамида эскирган маҳсулот турини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантиришга ажратилган капитал маблағлар структурасининг таҳлили кўрсатишича, синтетик моддалар, «Ташэлектромаш» заводларида «Ташкентвино» комбинатида ва бошқа корхоналарда бу маблағларнинг анча қисми (20 процентдан 50 процентгача) қурилиш-монтаж ишларига сарфланиши мўлжалланган. Яъни реконструкция асосий фондларнинг пассив қисмини янгилаш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари бу масалаларга ўз муносабатларини батамом қайта қуришлари, ишнинг аҳволини яхшилаш учун хўжалик раҳбарларидан қатъий чоралар кўришни талаб этишлари керак. Фикримизча, район партия комитети корхоналарни икки ва уч сменали ишга ўтказишдек ғоят муҳим масалада кўпроқ ташаббускорлик, зўр қатъият кўрсатмоғи зарур.

Ҳамза районида барча қилинган ишлардан кейин ишчиларнинг смена коэффициенти 1,36 дан 1,37 га ўсди холос, ҳолбуки, умуман шаҳар бўйича у аллақачон 1,43 га етган эди.

Фанлар академиясининг партия ташкилотига район партия комитети бўш раҳбарлик қиляпти. Тортинчоқлик, Академия обрўси олдида қуллуқ қилиш унинг коммунистлари фаолиятини холисона ва принципиал баҳолаш имконини бермаётганга ўхшайди. Унинг шаънига аллақачондан бери танқид ёғилмоқда.

Районни иқтисодий ва социал ривожлантириш соҳасида рўй бераётган кўпгина камчиликларнинг сабаби шуки, район партия комитети кадрлар масаласини ҳал этишда собитқадамлик, принципиаллик кўрсатмаётир.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини ҳал этар экан, район партия комитети ходимларнинг билим ва қобилиятларини етарли даражада ҳисобга олмаяпти, ишлаб чиқаришнинг муҳим жабҳаларини махсус маълумотга, иқтисодий билимларга эга бўлмаган кишилар бошқараётганликлари билан муроса қилинмоқда.

Район партия комитети номенклатурасига кирадиган юқори бўғин раҳбарларидан 10 проценти, саноатда эса 13 проценти ўрта маълумотга эга. Шундай экан, бунинг устига биринчи раҳбарлар ва бош инженерларнинг бир қисми ўрта маълумотли бўлгач, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш хусусида сўз юритиш мумкинми?

Район партия комитети хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришнинг социал-хўжалик моҳиятига етарли баҳо бермаётир. Райком номенклатурасида хотин-қизлар атиги 21 процентни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич тобора пасайиб бормоқда. Раҳбарлик лавозимлари резервида хотин-қизлар бор-йўғи 13 процентни ташкил этишади. Қизиқарли бир мисолни келтирамиз: райком номенклатурасида савдо ходимларидан 20 киши бор, шулардан фақат бир киши хотин-қизлардан. Ваҳоланки, мазкур тармоқда ишлаётганларнинг аксариятини аёллар ташкил этишади.

Район миқёсидаги раҳбарлар резервининг 25 проценти олий маълумотга эга бўлмаган, 30 проценти эса 50 ёшдан ошган кишилардир.

1982 йилда райком бюроси район озиқ-овқат савдоси идораси партия ташкилотининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишига доир масалани қараб чиққанди. Бунинг боиси мазкур ташкилотда кадрлар билан ишлаш бўшашиб кетганлиги эди. Ижрони назорат қилиш мақсадида райком бюроси 1985 йилда мазкур партия ташкилоти ишини яна муҳокама этди ва жиддий камчиликлар рўй бераётганини аниқлади. Съезддан кейинги даврда район партия комитети шу масалада қабул қилинган қарорларни контролдан чиқармаган ҳолда озиқ-овқат савдоси идораси партия ташкилоти танқидий мулоҳазалар ҳамда таклифларни қандай бажараётганини 1986 йилнинг май ойида текшириб кўрди. Район партия комитети қарор қабул қилиш билан шуғулланаверган, торг директори Ш. Ш. Шомаҳмудов эса социалистик қонунчиликни бузаверган, охир-оқибатда жорий йилда жиноий жавобгарликка тортилган, торгнинг бош бухгалтери ҳам порахўрлиги учун қамалган.

Кўпгина меҳнат коллективларида уқувсизлик, хўжасизлик, ўғирлик ҳолларига қарши муросасизлик муҳити вужудга келтирилмаётир. Бефарқлик, камчиликларни кўриб кўрмасликка олиш, принципсизлик шароитида қўпол нуқсонлар, суиистеъмолликлар албатта рўй беражагини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Айтайлик, КПСС аъзоси, 1-ун заводининг директори В. А. Авазов қатор йиллар давомида хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб келган; қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик билан шуғулланган, давлат маблағларини ўзлаштирган, квартираларни сотган, аммо партия ва касаба союз ташкилотлари ҳозиргача сукут сақламоқдалар, ўткир қирраларни силлиқлаштиришга уринмоқдалар.

«Ташкенвино» комбинати партия ташкилоти ҳақида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. 1984 йилда КПСС аъзоси, комбинат бош бухгалтери М. А. Галеев хизмат вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик билан шуғулланган, бунинг учун КПСС сафидан ўчирилган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Комбинат директори С. В. Воҳидов уни оддий ишга ўтказиш ўрнига 1985 йилнинг июлида бош бухгалтер вазифасини бажарувчи қилиб қўйган. Мана бир ярим йилдирки, у ана шу лавозимда ишламоқда. Партия ташкилотининг секретари Н. И. Харитоненко дирекция билан муносабатларни мураккаблаштирмаслик ниятида бу ҳол олдида кўз юмишдан нарига ўтмаётир.

Партия комитети бюроси бозорни кент истеъмол моллари билан таъминлаш юзасидан тегишли чораларни кўрмаяпти. «Ташсельмаш» заводи ўн бир ойда уларни ишлаб чиқариш планини 99,3 процент адо этди холос, 40 минг сўмлик истеъмол молларини етказиб бермади.

Райондаги кўпгина партия ташкилотларининг идеология ишлари ҳаётдан, қайта қуриш, жадаллаштириш бўйича партия ва халқ олиб бораётган ишлардан ажралиб қолмоқда. Съезднинг одамлар билан яккама-якка иш олиб бориш бўйича берган кўрсатмалари сусткашлик билан бажарилаяпти. Бунинг оқибатида «Подъёмник», «Ташэлектромаш», асфальт-бетон заводларида, тепловоз ремонти депосида ва бошқа корхоналарда якка тартибдаги социалистик мусобақа эски қолип бўйича уюштирилмоқда, алоҳида ишчилар, бригадалар беш йиллик мажбуриятларини билишмайди. Раҳбар ходимлар идеология ишларида фаол қатнашмаётирлар. Атеистик пропаганда савияси пастлигича қолмоқда.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлардаги камчилик ва нуқсонлар оқибатида социалистик турмуш нормалари, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот бузилмоқда. Районда бу соҳадаги аҳвол ҳамон мураккаб. Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг олдини олиш йўлидаги ишларни яхшилаш талаб этилади. Район партия комитети ўқувчилар, энг аввало тарбияси қийин ўсмирлар билан яккама-якка иш олиб боришни бўшаштириб юборганликлари учун район халқ маорифи бўлимидан, мактаблар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари раҳбарларидан масъулият талаб этмаётир.

Ана шу ва бошқа камчиликларнинг сабаблари ҳақида фикр юритар эканмиз, район партия комитети съезд якунлари муҳокама этила бошланган дастлабки кундан эътиборан ишни жиддий яхшилай олмаганини очиқ айтиш керак. Йиғилишларда ҳамманинг иштирок этиши таъминланмади. Бу, албатта, уларнинг ролини пасайтиради.

Партиявий ишда сўз ва иш бирлигини таъминлаш, муайян мақсадни кўзлаш, ҳар қандай вазифани бажаришда принципиаллик, муросасизлик қайта қуришнинг асосий талабларидан биридир. Район партия комитетининг кундалик амалий фаолиятида бу талаб аввало партия ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни, ўзи қабул қилган қарорларни сўзсиз бажаришда ифодаланади.

Район партия комитети ижрони назорат қилиш ва текширишга расмиятчилик билан ёндашмоқда, жойларда ўрта бўғин назорати бўшаштириб юборилган, район партия комитети аппарати, сайлаб қўйилган орган аъзоларининг бу ишдаги масъулияти кучайтирилмаган.

Район партия комитети, партия комитетлари қуйи бўғинлар билан ишлаш масъулиятини унутганликлари сабабли цех партия ташкилотлари ва партия группалари фаолиятини яхшилашга деярли таъсир кўрсатмаётирлар.

Коммунистлар қуруқ гап-сўз билан шуғулланмасдан конкрет ишлар билан банд бўлган, камчиликларни дадил очиб ташлаётган ва қатъий бартараф этаётган партия ташкилотлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам бутун ишимиз марказини бошланғич, цех партия ташкилотлари ва партия группаларига кўчиришимиз керак. Шунга эришмоқ лозимки, райком аппаратининг ҳар бир масъул ходими ўз иш вақтининг камида ярмини одамлар ўртасида, меҳнат коллективларида ўтказсин.

Районда меҳнаткашларнинг хатлари, аризалари ва илтимосларига эътиборсизлик, бефарқлик билан қараш ҳолларига ҳамон йўл қўйилмоқда. Гражданларнинг асосли илтимосларига расмиятчилик нуқтаи назаридан ёндашиш рўй бераётганлиги сабабли кишилар юқори органларга такроран шикоят ёзишга мажбур бўлмоқдалар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини, уларнинг иши самарадорлигини ошириш йўллари ранг-баранг бўлиб, улар ҳаммага маълум. Шулардан бири сайлаб қўйилган партия активи ролини кучайтиришдир. Партия комитетлари составига, партбюро секретарлигига, партгруппа ташкилотчилигига ва ҳоказоларга қарийб бир ярим минг киши сайланган. Булар обрў-эътиборли, ўз коллективларида таъсири кучли бўлган коммунистлардир. Шуларнинг қарийб учдан бир қисми ишчилар жумласидан. Ана шу жуда катта кучдан, афсуски, самарали фойдаланилмаяпти.

Район партия комитети сайланма органларининг аъзолари масалаларни бюрога, пленумларга тайёрлашга, партия ташкилотлари ишини текширишга ҳамон аҳён-аҳёнда жалб этилмоқдалар.

Ана шу органлар ва уларнинг аъзолари фаолиятини ҳам жадаллаштириш зарур. Бунда ишни аниқ-пухта ташкил этишдан, бюро аъзоларини, райком аъзоларини, сайланган бошқа органлар аъзоларини, умуман коммунистларни асосий йўналишларга пухта ўйлаб аниқ жойлаштиришдан бошламоқ керак.

Биз коллектив раҳбарлик ленинча принципларидан чекинишимиз мумкин эмас. Шунинг учун ҳам масалани муҳокама этиш ва ҳал қилиш умумий, масъулият эса шахсий бўлмоғи зарур. Сайлаб қўйилган органнинг ҳар бир мажлиси, ҳар бир партия йиғилиши коммунистлар учун сиёсий тарбия мактаби бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб яна таъкидламоқчиманки, район партия комитети ўз услубини тубдан қайта қурмоғи, эскирган иш шаклларидан батамом қутулмоғи зарур. Қайта қуриш ҳозирча ниҳоятда суст бораётган экан, бунинг учун масъулият аввало район партия комитетини узоқ вақтдан буён бошқариб келаётган райкомнинг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов зиммасига юкланади. У баъзи ҳолларда райондаги ишлар аҳволига танқидий баҳо бермайди, унинг фаолиятида ўткир қирраларни силлиқлаб ўтишга интилиш, ўртача кўрсаткичлар билан қаноатланиш, райкомнинг иш услублари ва методларини қайта қуришда ортиқча эҳтиёткорлик ва қатъиятсизлик сезилмоқда. Иборали қилиб айтганда, бола бетобланиб қолса ота-она жавобгар, демак унга яхши қарай олишмаган. Шунинг учун ҳам Ҳамза район партия комитети, унинг бюроси фаолиятидаги камчиликлар учун айбни биз, аввало шаҳар партия комитетининг ташкилий бўлими ўз зиммамизга олишимиз керак.

Ҳозирги пайтда съездлар йили якунлари чиқарилмоқда. Ана шу жараёнда эришилган натижаларни съезд талаблари асосида танқидий таҳлил этиш, бугунги ҳисоботдан зарур хулосалар чиқариш, бутун куч-ғайратни ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили планларининг бажарилишига сафарбар этиш, яқинлашиб келаётган янги — 1987 йилни яхши натижалар билан кутиб олиш зарур.

## Жонажон Ватан бўйлаб

◆ РИГА. Сидгунда посёлкасида очилган хўжаликлараро бирлашма Латвия далаларида доимо учрайдиган тошларни бугун бинокорлик материалларига айлантира бошлади. Эндиликда катта, ҳар хил шакл ва рангдаги, тошлар биноларнинг безагига ишлатилади, қолган парчаларидан майдалайдиган машинада йўлга ёткизиладиган шағал тайёрланади. Рига район агросаноат бирлашмасининг ҳамма хўжаликлари бирлашманинг пайчилари бўлди. Ҳозир республиканинг агросаноат комплексида ғоят хилма-хил маҳаллий ресурслардан фойдаланишга ёрдам берувчи элликтадан кўп хўжаликлараро корхона ишлаб турибди.

◆ ЛЕНИНГРАД. Пальмиро Тольятти номидаги Ленинград инженерлик-экономика институтининг кечки бўлимида «инженер ишлаб чиқариш ташкилотчиси» ихтисослиги бўйича машғулотлар бошланди. Ўнлаб заводлар бошқаришга қобилияти бўлган бригадирлар ва мастерларни бу ерга юборди. Янги курс студентларидан кўплари психология, педагогика ва замонавий раҳбарга зарур бошқа фанлардан билим олгач, завод цехлари ва хизматларига бошчилик қилмоқда.

